

Температура шарайатини томенлеви менен туқимни кóгериwшeнлиги томенлеп баради. 2021-йили җыналган сипсе туқимни кóгериwшeнлиги 25⁰S та 92-94 % ti қуради, уси туқимни томен температурда кóгериwшeнлиги (+7+9⁰) 80-84% ке тең, яғни 10% ке томен.

Сипсе (*Kochia scoparia* L. Schrad)-ни туқим кóгериwшeнлиги басқа óсимликлер сýяқли қанша кóп сақланса, ону кóгериwшeнлиги сонша томен болади. Һар җил турли оринлардан җыналган туқимни кóгериwшeнлиги бир-биринен парiq қилади.

Кесте-1. Сипсе (*Kochia scoparia* L. Schrad) туқимни кóгериwшeнлигине сақлап қойиw мuddетлерини тасири

Ғынаw орн	Тажрибени óткерiw сáнеси	Сақлаw мuddет-дeтi даwамлиғи	Кóгериw-шeнлик %
Нóкис қаласи аймағи турли оринлардан	2-II-2021 j.	18	66,5
Нóкис қаласи аймағи турли оринлардан	2-II-2021 j.	12	80,2
Нóкис қаласи аймағи турли оринлардан	2-II-2021 j.	4	94,3

Тажрибe uchastkаda туқимди тигип eғiw тeрeнлиғи Һар қийли болғанда (0,5-1,0 см, 1,5-2 см, 2,5-3,0 см) олардин туқимлардин кóгериwшeнлигине тасирин óйрендик (2-кесте). Туқимлар 2019-җил октябр, Һар декабр, айларинда eғилди. Кóгериwшeнлиги бойинша бир-биринен аз парq қилади. БáҺарғи eғилген туқимлар натиҗе бермеди. Бул изертлеwлер арқали сол нáрсе аниқланди, бунда eғiwдин орташа тeрeнлиғи 0,5-1см eсaпланaди.

Кесте-2. Каракалпакстан шарайатинда Сипсе (*Kochia scoparia* L. Schrad) туқимни дала кóгериwшeнлиги

Туқимди тигип eғiw тeрeнлиғи, см	Eғiw мuddетлери	1м ² jерге eғилген туқимлар сáни	Туқимлар кóгериw-шeнлиғи, %
0,5-1,0	20.10. 2019j.	100	91-93
1,5-2,0	20.11. 2019j.	100	92-94
2,5-3,0	16.03. 2020j.	100	8-10

Eғiwдин барлиқ мuddетлеринде бундай тeрeнликте eң Һақси натиҗелер алинди. Eғiwдин eң оптимал мuddети октябр Һар декабр.

Бизин изертлеwлеримиз Һабайи óсиwshi óсимликлерде туқимларди eғiwдин гузғи- қисқи eғислери óстемликке ие eкeнлигин дáлилeп бeриwshi бир қатар авторлардин мағлиw-матларин тастийқлайди. Ал бáҺарғи eғис мuddети маqсетке муwарипқ кeлмeйди, себeби олар тек Һаwа рaйи қолайли кeлгенде җили бир кóгериwшeнликти бeрeди. Гузғи-қисқи eғисте туқимлардин eң Һақси кóгериwшeнлигине қарap тáбиий стратификатиwнин унамли натиҗеини Һақинда айтиw мумкин.

Туқимни узинлиғи 1,5-2,5 мм, eни 0,75 мм, қалинлиғи 0,5-0,75 мм. Туқимни абсолютиw салмағи 1 г ға тең. Бир туp óсимликте 4000-8000 ға дeйин туқим барлиғи аниқланди.

Сипсенин тамури суwғарилатуғин җерлерде 1 м тeрeнликке шeкeм җeтeди, бой җeткeн óсимликте қаптал тамир гoризонтиw бағдарда óсип, 1-1,5 м ге шeкeм баради.

Јуwмақлап айтқанда Сипсе óсимлиғи мáдений шарайатта март айини ақури апрел айини бaсinda вeгeтaтcиjя дáбири бaслaнaди, мaй айинда гуллеп, июн айинда миwелeйди, таҗрибe óткерiw протсесинде бақлаw алип бaргaн җиллари óспeгeн Һар топирақта қалип кeткeн туқимлардин айримлари кейинги җиллари óсeтуғинлиғин бақладиқ. Бирақ, олар җудá аз сáнда болади.

Адебиатлар

- Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. -Новосибирск: "Наука", 1974, -С.153.
- Вайнагий И.В. О методах изучения семенной продуктивности растений. // Бот. журн 1974. Т. 59, № 6. – С. 826 – 831.
- Головченко С.Г. Травы для севооборотов и улучшения пастбищ Узбекистана. Изд-во АН УзССР. –Ташкент: 1953.
- Доброхотова В.Н. Семена сорных растений. Изд-во Сельскохозяйственной литературы. -Москва: 1961.
- Зайцев Г.Н. Математическая статистика в экспериментальной ботанике. – М.: «Наука», 1984. –С.424.
- Коровина О.Н., Бахiev А., Тажитдинов М.Т., Сарыбаев Б. //Иллюстрированный определитель высших растений Каракалпакии и Хорезма. –Тошкент: "Наука", 1982. Т 1. –С.110.
- Ларин И.Б. Улучшение и рационального использование пастбищ и сенокосов на солонцовых комплексах. Земледелие №2.-1959.
- Плохинский Н.А. Биометрия. -М.: 1970. –С.367.
- Пономарев А.Н. Предмет и некоторые аспекты антропоэкологии. // Вопросы антропоэкологии. -Л.: «Наука», 1969. -С. 16-30.
- Серебряков И.Г. Морфология вегетативных органов высших растений. -М.: «Наука», 1952. –С.392.
- Тарановская М.Г. Методы изучения корневых систем. -М.: Сельхозгиз, 1957. –С. 216.
- Федоров А.А., Кирпичников М.Е., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Соцветие. -М.-Л.: «Наука». 1979. -С. 294.
- Флора Узбекистана. -Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953. -Т. ИИ.
- Хамдамов И. Биологические основы введения в культуру кохии веничной на пастбищах полынно-эфемерово́й пустыни Узбекистана. На соискание ученой степени кандидата биологических наук. – Самарканд: 1963.

РЕЗУМЕ. Мақолада супурғи (*kochia scoparia* l. schrad)ning bioekologik xususiyatlari haqida so'z boradi. Supurgining Qoraqalpog'iston sharoitida o'rganilmaganligi va o'simlikning amaliy ahamiyati hisobga olinib, madaniy sharoitda uning bioekologik xususiyatlari o'rganildi. Madaniy sharoitda o'simlikning vegetatsiya davri aprel oyining boshida boshlanadi, may oyida gullaydi, iyun oyida meva beradi va rivojlanish tsiklini yakunlaydi. Shuning uchun supurgi o'simligi (*Kochia scoparia* L. Schrad) ozuqa sifatida ishlatilishi mumkin degan xilosa qilingan.

РЕЗЮМЕ. В статье говорится о биоэкологических особенностях веника (*kochia scoparia* l. schrad). Учитывая то, что веник не изучен в условиях Каракалпакстана и практическую значимость растения, его биоэкологические свойства были изучены в культурных условиях. Вегетационный период растения начинается в начале апреля, цветет в мае, плодоносит и завершает цикл развития в июне. Таким образом, был сделан вывод, что веник (*Kochia scoparia* L. Schrad) можно использовать в качестве корма.

SUMMARY. The article presents the bioecological characteristics of the broom (*kochia scoparia* l. schrad). Considering that the broom has not been studied in the conditions of Karakalpakstan and the practical significance of the plant, its bioecological properties were studied under cultural conditions. The growing season of the plant begins in early April, blooms in May, bears fruit and completes the development cycle in June. Thus, it was concluded that broom (*Kochia scoparia* L. Schrad) can be used as feed.

УДК 576.895

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА УЙ МУШУКЛАРИНИНГ ЦЕСТОДА СИНФИГА МАНСУБ ГЕЛЬМИНТЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

А.С.Бердибаев – биология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: гельминт, инвазия экстенсивлиги, инвазия интенсивлиги, оралик хўжайин, гигиеник.

Ключевые слова: гельминт, экстенсивность инвазии, интенсивность инвазии, промежуточный хозяин, гигиена.

Key words: helminth, extent of invasion, intensity of invasion, intermediate host, hygienic.

Кириш. Сўнги йилларда шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшаш пунктларида мушуклар сонининг кeскин кўпайиши кузатилмоқда. Уй мушуклари одамлар билан eнг яқин алоқада бўлганлиғи сабабли, одамлар яшаш

хoвиллари ва уйлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари хoвилларидаги ўйин майдончаларини хавфли антропозооноз инвазияларнинг манбаи ва тарқатувчиси ва тупроқларни ифлoслантирувчи асосий

воситага айланмоқда. Мушуклар кўплаб гельминтларнинг асосий хўжайинлари ҳисобланиб, гельминтларнинг жинсий етук ва личинкалари одам ва уй хайвонлари ҳамда паррандаларда паразитлик қилади [3].

Уй ва дайди мушуклар одамлар ва хайвонларда паразитлик қилувчи кўплаб гельминт турларининг асосий хўжайинларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот ишлари 2017-2023 йиллар давомида, Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида олиб борилди. Гельминтларни аниқлашда тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усулларидадан фойдаланилди [8].

Йиғилган материаллар синфларга ажиратилди ва трематода, цестода ва акантоцефала синфига мансуб гельминт турларини 70% ва 96% спиртда, нематодалар синфига мансуб гельминт турларини эса Барбагалло суюқлигида фиксация қилинди ва этикетка ёпиштирилди.

Топилган гельминт турларини аниқлаш ишлари ЎЗР ФА Зоология институти Умумий паразитология лабораториясида амалга оширилди, белгиланган усуллар ва адабиёт маълумотлари ёрдамида гельминт турлари аниқланилди [4].

Натижалар ва муҳокама Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида, гельминтологик текширилган 37 нусха уй ва дайди мушукларда 7 тур цестода синфига мансуб гельминтлар қайд этилди. Улар 1 тип, 1 синф, 2 туркум, 4 оила, 7 авлодга мансуб эканлиги маълум бўлди [1].

Уй ва дайди мушукларда қайд этилган гельминт турларининг ривожланиш циклларида оралик хўжайин вазифасини циклоплар, бургалар, каналари, амфибиялар, рептилиялар, сут эмизувчиларнинг турли хил вакиллари бажаради [1]. Тадқиқотлар натижасида, текширилган 37 нусха уй ва дайди мушукларда 7 турдаги цестода синфига мансуб гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди [4:8].

Plathelminthes Schneider, 1873 типи
Cestoda Rudolphi, 1808 синфи
Pseudophyllida Carus, 1863 туркуми
Diphyllbothriidae Luhe, 1910 оиласи
Spirometra Mueller, 1937 авлоди

1. *Spirometra erinacei-europei* (Rudolphi, 1819)

Асосий хўжайин: уй мушуги.
Локализация: ингичка ичак.
Оралик хўжайин: циклоплар [2: 6].

Инвазия экстенсивлиги: текширилган 37 та уй ва дайди мушукларда 5 таси (13,5 %) зарарлангани аниқланди.

Инвазия интенсивлиги: 1 - 15 нусха.

Аниқланган жойи: Қанлиқўл, Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов ва Нукус туманларидан топилди.

Cyclophyllida Beneden In Braun, 1900 туркуми
Dipylidiidae (Mola, 1929) оиласи
Dipylidium Leuckart, 1863 авлоди

2. *Dipylidium caninum* (L., 1758)

Асосий хўжайин: уй мушуги.
Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: *Ctenocephalus* ва *Pulex* авлодларига мансуб бургалар [4].

Инвазия экстенсивлиги: тўлиқ гельминтологик текширишдан ўтказилган 37 та уй ва дайди мушукларда 4 таси (10,9 %) зарарланган.

Инвазия интенсивлиги 2 - 37 нусха.

Аниқланган жойи: Чимбой, Хўжайли, Бўзатов, Мўйноқ ва Қўнғирот туманлари ҳудудларида аниқланди.

Diplopylidium Beddard, 1913 авлоди

3. *Diplopylidium nölleri* (Skrjabin, 1924)

Асосий хўжайин: уй мушуги.
Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: Е.М.Матевосян [5]
тадқиқотларида рептилиялар организмда цестода цистосцеркоидларини топганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Инвазия экстенсивлиги: текширилган 37 та уй ва дайди мушукларда 8 таси (21,6 %) зарарланган.

Инвазия интенсивлиги: 1- 21 нусха.

Аниқланган жойи: Бўзатов, Шуманай, Мўйноқ ва Нукус туманларида аниқланди.

Joyeuxiella Fuhrmann, 1935 авлоди

4. *Joyeuxiella rossicum* (Skrjabin, 1923)

Асосий хўжайин: уй мушуги.

Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: Р.С.Шульц [9] маълумотида кўра *Crociodura suaveolens* организмда цистицеркоидни топган ва уни *J. rossicum* цестодасига мансублигини айтиб ўтган.

Инвазия экстенсивлиги: тўлиқ гельминтологик текширишдан ўтказилган 37 та уй ва дайди мушукларда 13 таси (35,1 %) зарарланган.

Инвазия интенсивлиги: 1 - 23 нусха.

Аниқланган жойи: Бўзатов, Қанлиқўл ва Мўйноқ туманларида учратдик.

Taeniidae Ludwig, 1886 оиласи

Taenia Linnaeus, 1758 авлоди

5. *Taenia macrocystis* (Diesing, 1850)

Асосий хўжайин: уй мушуги.

Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: ҳар хил турдаги қуёнлар [4].

Инвазия экстенсивлиги: тўлиқ гельминтологик текширишдан ўтказилган 37 та уй ва дайди мушукларда 11 таси (30,0 %) зарарланган.

Инвазия интенсивлиги: 1-17 нусха.

Аниқланган жойи: Қанлиқўл, Бўзатов, Мўйноқ ва Кегайли туманлари ҳудудларидан топилди.

Hydatigera Lamarck, 1816 авлоди

6. *Hydatigera krepkogorski* Schulz et Landa, 1934

Асосий хўжайин: уй мушуги.

Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: қуёнсимонлар ва кемирувчилар [1].

Инвазия экстенсивлиги: текширилган 37 та уй ва дайди мушукларда 9 таси (24,3 %) зарарланган.

Инвазия интенсивлиги: 3-13 нусха.

Аниқланган жойи: Бўзатов, Мўйноқ ва Кегайли туманларида аниқланди.

Mesocetoididae Perrier, 1897 оиласи

Mesocetoides Vaillant, 1863 авлоди

7. *Mesocetoides lineatus* (Goeze, 1782)

Асосий хўжайин: уй мушуги.

Локализация: ингичка ичак.

Оралик хўжайин: А.П.Солдатова [7] маълумотларига кўра орибатид каналари оралик хўжайин вазифасини бажаради.

Инвазия экстенсивлиги: тўлиқ гельминтологик текширишдан ўтказилган 37 та уй ва дайди мушукларда 10 таси (27,0 %) зарарлангани аниқланди.

Инвазия интенсивлиги: 2 - 24 нусха.

Аниқланган жойи: Чимбой, Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов ва Нукус туманларидан топилди.

Уй мушукларига нисбатан дайди мушуклар гельминт турлари билан зарарланиш даражаси юқори эканлиги қайд этилди. Бунинг асосий сабаби - озикланишининг хилма-хиллиги бўлиши мумкин. Уй мушуклари, асосан одамлар берган озуқа билан, айрим ҳолларда кемирувчилар, ҳашаротлар, қушлар ва уларнинг тухумлари, паррандалар уларнинг полопонлари ва баъзан мевалар билан ҳам озикланиши мумкин. Дайди мушуклар эса асосан, аҳоли яшаш пунктлари яқинларидаги чиқиндилар билан, бундан ташқари ҳар-хил кемирувчилар, ҳашаротлар, қушлар ва уларнинг тухумлари, паррандалар уларнинг тухумлари,

полопонлари ва баъзан мевалар билан ҳам озиқланиб аҳолига ўз зарарини етказиши мумкин [1].

Хулоса Республикамиз туманларида уй мушукларида гельминтологик текширишлар илк марта амалга оширилди. Уй мушукларига нисбатан дайди мушуклар кўплаб гельминт инвазиясининг асосий кўзгатувчиларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, аҳолини санитар гигиеник қоидаларга тўлиқ амал қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Уй мушугини сақлайдиган ҳар бир хонадон ўз вақтида мушукларини ветеринария кўригидан ўтказиб туриши лозим, шунда одамлар ва уй ҳайвонларининг гельминт инфекциялари билан зарарланишининг олдини олган бўлади.

Адабиётлар

1. Бердибаев А.С. Қорақалпоғистон йиртқич сут эмизувчилари (Mammalia: Carnivora) гельминтлари.: Дисс. ... био. фан. фалсафа. докт. (PhD) – Нукус: 2021, -С.156.
2. Дубинина М.Н. О биологии и распространении *Diphyllbothrium erinacei* // Зоологический журнал. – Москва: 1951. 30. Вып. 5. –С. 421.
3. Котельников Г.А. Гельминтологические исследования животных и окружающей среды. - М.: «Колос», 1984. -С. 3-4.
4. Козлов Д.П. Определитель гельминтов хищных млекопитающих СССР. -М.: «Наука». 1977.
5. Матевосян Е.М. Дилепидоидеа-ленточные гельминты домашних и диких животных. // «Основы цестодологии», Изд-во АН СССР. – Москва: 1963. - Т.III. –С. 687.
6. Рыженко Г.Ф. К вопросу о дефинитивных хозяевах *Spirometra erinacei* europaei. Бюлеть ВГИС. -Москва: 1969. Вып. 2. - С. 89-91.
7. Солдатова А.П. К изучению цикла развития цестоды *Mesocostoides lineatus* (Goeze, 1782), паразитирующей у хищных млекопитающих. Докл. АН СССР, нов. сер. – Москва: 1944. 45 №7. -С. 330-332.
8. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. -М.: МГУ, 1928. –С. 45.
9. Schulz R. Zur Biologie des Bandwurmes der Karnivoren *Dipylidium rossicum* Skrjabin, 1923. // Zbi. Bakteriöl., I. Abt. Orig., 112, 1929. -P. 262-266.

РЕЗЮМЕ. Уй ва дайди мушукларда 7 тур цестода синфига мансуб гельминтлар қайд этилди. Улар 1 тип, 1 синф, 2 туркум, 4 оила, 7 авлодга мансуб эканлиги маълум бўлди. Тадқиқотлар натижасида, текширилган 37 нусха уй ва дайди мушукларда 7 турдаги цестода синфига мансуб гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди.

РЕЗЮМЕ. Были зафиксированы 7 видов гельминтов принадлежащие классу цестод у домашних и уличных кошек. Выявлены что они относятся к 1 типу, 1 классу, 2 отрядам, 4 семействам, 7 родам. В результате обследования 37 домашних и уличных кошек была выявлена их зараженность 7 видами гельминтов принадлежащих классу цестоды.

SUMMARY. 7 types of helminths belonging to the cestode class were recorded in domestic and domestic cats. It turned out that they belong to 1 type, 1 class, 2 genera, 4 families, and 7 genera. As a result of the research, it was found that 37 examined specimens were infected with 7 types of helminths belonging to the cestode class in domestic and domestic cats.

ZINGIBER OFFICINALE. L GA BOTAİK TAVSIF

D.N.Kadirova – *biologiya fanlari nomzodi, dotsent*

Termiz davlat universiteti

Tayanch soʻzlar: Zingiber officinale L., tarixi, tur, dunyo, ilmiy, botaik, tavsif.

Ключевые слова: Zingiber officinale L., история, тип, мир, наука, ботаника, описание.

Key words: Zingiber officinale L., history, type, world, scientific, botaic, description.

Kirish. Zanjabilning bargli novdalari bir metr balandlikda oʻsadi. Barglari 6–12 (15-30 sm) uzunlikda, choʻzilgan, ikki vertikal qatorda navbatma-navbat joylashgan va poyani oʻrab turgan gʻiloflardan paydo boʻlgan. Gullar qalinligi taxminan 1 sm va uzunligi 2-3 sm boʻlgan zich konusga oʻxshash pogʻonalarda joylashgan boʻlib, ular bir-birining ustiga tushgan yashil barglardan iborat [1:64].

Zanjabilning isteʼmol qilinadigan qismi - bu ildizi, koʻpincha "zanjabil ildizi" deb nomlanadi. Koʻp yillik hisoblangan bu oʻsimlik, asosan tropik va subtropik oʻlkalarda keng tarqalgan. Vatani Janubiy Osiyo boʻlib, hozir u Xitoy va Hindiston, Indoneziya va Avstraliya, Gʻarbiy Afrika, shuningdek, Yamayka va Barbados orollaridagi tropik va subtropik hududlarda oʻstiriladi. U ortiqcha vazndan tez va oson xalos boʻlishda samarali natija berishi bilan birga shamollash va boshqa kasalliklarning oldini olishda ham juda foydali.

Koʻzga tashlanadigan ildizlar tolali ildiz tizimini hosil qiladi. Zanjabilning poyasi tik, dumaloq shakllangan boʻlib, muqobil, tor - qariyb 1 sm uzunlikdagi choʻzinchoq chiziqli barglari bambuk barglariga biroz oʻxshash boʻladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. *Zingiber officinale* L.ning introduksion sharoitda bioekologik xususiyatlarini oʻrganishga qaratilgan tadqiqotlarni xorijlik olimlar Surx, Li va Li (1998), Ernst va Pittler (2000), Bode va Dong (2004), Boone va Shilds (2005), Xrubasik va Pittler (2005) Xrubasik, Pittler va Roufogalis (2005) Grzanna, Lindmark va Frondoza (2005), Tompson va Potter (2006), Yeliopoulos (2007), Shukla va Singx (2007), Ali va boshq. (2008), Nikoll va Xenein (2009), Nader Alla (2017), Xarchilava I.A (2011), Dobyas, Voytix (2019), Gaaga, Tereza A. (2009) tomonidan olib borilgan. Mazkur dorivor oʻsimlikning bioekologik xususiyatlarini YE.P.Korovin tomonidan oʻrganishga qaratilgan tadqiqotlar

amalg oshirilib, 1948-yilda yangi tur sifatida fanga kiritgan.

Tahlil va natijalar. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020-yil 10-aprel kuni "Yovvoyi holda oʻsuvchi dorivor oʻsimliklarni muhofaza qilish, madaniy holda yetishtirish, qayta ishlash va mavjud resurslardan oqilona foydalanish toʻgʻrisida"gi PQ-4670 sonli Qarori imzolandi. Ushbu Qaror dorivor oʻsimliklarni yetishtirish va qayta ishlashni yanada rivojlantirish uchun qulay muhit yaratish, sohaning eksport salohiyatini oshirish, shuningdek, taʼlim, ilm-fan va ishlab chiqarish jarayonlarini integratsiyalash uchun mustahkam zamin yaratdi.

Maʼlumki, dorivor oʻsimliklar maydonlarining kengayishi, ekiladigan oʻsimlik turlari va hajmining ortib borishi uni qayta ishlash va eksportini koʻpaytirishni ham talab etadi. Shu bois tegishli vazirlik, muassasa va tashkilotlarga tabiiy dori vositalari ishlab chiqarishni va eksportni koʻpaytirish boʻyicha vazifalar belgilandi. Shu bilan birga dorivor oʻsimliklarni plantatsiyalarda koʻpaytirish, buning uchun esa koʻchatchilik va urugʻchilikni rivojlantirish, yangi turdagilarini introduksiya qilish, dorivor oʻsimliklar madaniy plantatsiyalarini va onalik koʻchatzorlarini barpo etish uchun olib kelinadigan urugʻ va koʻchatlar uchun karantin ruxsatnomasini berish tartibini soddalashtirishga doir vazifalar berildi.

Qarorda dorivor oʻsimliklar yetishtirish va qayta ishlashga oid ilmiy-innovatsion ishlanmalarni kuchaytirish, oʻsimliklar madaniy plantatsiyalarini barpo etish va qayta ishlash boʻyicha startap loyihalar shakllantirilishini hamda grant tanlovlari asosida amalga oshirilishi nazarda tutildi [2:47]. Zanjabil (*Zingiber officinale* L) dorivorlik va foydali xususiyatlari bilan bugungi kunda dunyo bozorida yetakchilik qilib kelmoqda. Quyida uning tarkibi va dorivorlik xususiyatlari haqida maʼlumotlar keltirilgan;